

Бу синглим тун бўйи ибодат қилади

15:12 / 28.04.2017 2341

Салафлардан бирлари айтадилар: “Бир куни Яман кўчаларининг бирида кетаётсам, йўл устида турли байтлар ила Роббини улуғлаётган бир болани олдидан чиқиб қолдим. У шундай дер эди:

Роббим осмондаги Подшоҳдир,

У менинг фахрим, ифтихоримдир.

У қадрни буюк, бемисл Зотдир,

У ҳеч кимга яширин, махфий эмасдир.

Кейин унга яқинлашиб, салом бердим. У айтди: “Сиз то устингиздаги менинг ҳаққимни адо этмагунингизча, саломингизга алиқ олмайман”. “Ҳаққинг нима?” деб сўрадим. У: “Мен Иброҳим алайҳиссаломнинг суннатларини маҳкам ушлаган боламан. Ҳар куни бир-икки мил йўл босиб, меҳмон қидириб юраман. Меҳмон топсам, кейин у билан бирга овқатланаман. Тополмасам, бир ўзим овқат емайман” деб жавоб берди. Мен унинг меҳмони бўлишга рози бўлдим. Шунда у менинг саломимга алиқ олди ва мени етаклаб бир чодирнинг олдига бошлаб борди.

Чодирга етганимиздан сўнг у баланд овозда “Ҳой, сингилжоним!” деб чақирди. Чодир ичидан бир қиз “Лаббай, акажон” деб жавоб берди. Ҳалиги бола синглисига: “Тур, бу меҳмонимизга ул-бул тайёрла” деди. Шунда синглиси: “Бироз кутиб тулинг, бизга бу меҳмонни юборган Мавлойимга шукр айтиб олаин” деди-да, туриб, икки ракаат шукр намози ўқиди.

Қиз намоз ўқиб бўлгач, бола мени чодирга олиб кириб, ўтқизди. Кейин қўлига пичоқ ва сўйиш учун урғочи эчки боласини олиб чиқиб кетди.

Ўтирган пайтимда ҳалиги қизнинг гўзал юзларига назар солдим. Гоҳ-гоҳида кўзим унга тушиб қолар эди. Тўсатдан қиз менинг қараётганимни пайқади ва менга: “Кўзингизни тийинг! Ясриб соҳиби (Пайғамбар алайҳиссалом)нинг “Албатта, икки кўзингиз зиноси қарашдир” деганларини эшитмаганмисиз?! Бу билан мен сизни койимоқчи эмасман, балки, бу ишни қайта такрорламаслигингиз учун одоб бериш юзасидан айтяпман” деди.

Кеч тушгач, мен билан бола иккимиз чодир ташқарисида, қиз эса чодир ичида тунади. Мен тун бўйи гўзал ва мулойим овозда ўқиладган Қуръон қироатини эшитиб ётдим. Тонг отгач, ҳалиги болага: “Бу кимнинг овози?” деб сўрадим. У: “Бу синглимнинг овози. У туни билан ухلامасдан тонггача ибодат қилиб чиқади” деди. Мен: “Бу ишга ундан кўра сен ҳақли эмасмисан?! Сен йигит кишисан, у эса қиз бола” дедим. Шунда бола табассум қилди ва “Эй меҳмон, синглим Аллоҳнинг фазли ила мана шундай бахтга эришган” деб жавоб берди”.

Ҳоний Ҳожининг “Солиҳлар ҳаётидан минг бир қисса”

китобидан **Нозимжон Ҳошимжон** таржимаси